



O'ZBEKISTON
FANLAR AKADEMIYASI

3
2019

Jurnalga 1998-yil iyulda
asos solindi.

*Bir yilda to'rt marta
chiqadi.*

© O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

O'ZBEKISTON TARIXI

Илмий журнал

МУНДАРИЖА

- Ғ. Бобоёров.** Ғарбий Турк хоқонлиги Ашина сулола-
сининг Фарғонадаги тармоғи тарихига доир 3
Г. Таниева. Ялангтўш Баҳодирнинг Бухоро хонлиги
сиёсий барқарорлигини таъминлашдаги ўрни 20
Д. Сайфуллаев. Франция ва Германия давлатлари
маданий дипломатияси ва уни Ўзбекистонда амалга
ошириш жараёнлари 32

Тарих ҳужжатлар тили билан

- Н. Аллаева.** XIX аср ўрталарида Ўрта Осиёда-
ги сиёсий вазият ва унинг расмий ҳужжатларда акс
этиши 43

Тарихда шахслар

- К. Воҳидова.** Исҳоқхон Ибратнинг давр ижтимоий
масалаларига қарашлари 54
Э. Раджапов. XX асрнинг 30-йилларида ўзбек ҳар-
бий кадрлар элитасининг қатағон этилиши тарихи-
дан: Абдужалил Абдуллаев тақдири 63

Тарих ва социология

- М. Ғаффорова.** Ўзбекистонда хотин-қизлар мавқеи-
нинг оширилиши ва манфаатларини ҳимоя қилини-
ши: тарихий-социологик таҳлил 70

Ёш тадқиқотчи минбари

- Н. Каримов.** Хорижда Ҳаким Термизий мактабининг
ўрганилишига доир 84

Илмий ҳаёт

- “Ўзбекистон давлатчилиги тарихида Хоразм” мав-
зусидаги II Республика илмий конференцияси.
М. Шамсиев 100
“Медиа майдонда тарих фани ва архившунослик ин-
теграцияси муаммолари” мавзусидаги халқаро ил-
мий-амалий конференцияси ҳақида. **М. Исхакова,**
М. Дармонова 102
“Марказий Осиё ва Ўзбекистон тарихи: янги изланиш-
лар ва янги натижалар” мавзусидаги халқаро конфе-
ренция ҳақида. **Ш. Асадова** 105

СОДЕРЖАНИЕ

- Г. Бабаяров.** К истории Ферганской ветви династии Ашина Западно-Тюркского каганата 3
Г. Таниева. Роль Ялангтуша Бахадира в обеспечении политической стабильности Бухарского ханства ... 20
Д. Сайфуллаев. Культурная дипломатия стран Франции и Германии и ее реализация в Узбекистане 32

История языком документов

- Н. Аллаева.** Политическая ситуация в Средней Азии в середине XIX века и ее отражение в официальных документах 43

Личности в истории

- К. Вохидова.** Взгляды Исхакхана Ибрата на социальные проблемы своего времени 54
Э. Раджапов. Из истории репрессий элиты узбекских военных кадров в 30-х годах XX века: судьба Абдужалила Абдуллаева 63

История и социология

- М. Гаффорова.** Повышение статуса женщин и защита их интересов в Узбекистане: историко-социологический анализ 70

Трибуна молодого исследователя

- Н. Каримов.** Об изучении школы Хакима Термизи за рубежом 84

Научная жизнь

- II Республиканская научная конференция по теме «Хорезм в истории государственности Узбекистана». **М. Шамсиев** 100
О работе международной научно-практической конференции «Проблемы интеграции исторической науки и архивоведения в медиапространстве». **М. Исхакова, М. Дармонова** 102
О работе международной конференции «История Центральной Азии и Узбекистана: новые исследования и новые результаты». **Ш. Асадова** 105

Тахрир хайъати:

Дилором Алимова
(бош мухаррир)
Сурайё Каримова
(бош мухаррир ўринбосари)
Равшан Абдуллаев
Баҳром Абдуҳалимов
Мируэрт Абусеитова
(Қозғоғистон)
Адхам Аширов
Бахтиёр Бабаджанов
Алишер Дониёров
Доно Зияева
Мирсодиқ Исмоков
Марианна Камп (АҚШ)
Татьяна Котюкова
(Россия)
Шаин Мустафаев
(Озарбайжон)
Нодира Мустафаева
Азимхўжа Отахўжаев
Катрин Пужоль
(Франция)
Мирзохид Рахимов
Эдвард Ргвеладзе
Валерий Хан
(бош мухаррир ўринбосари)
Нозим Ҳабибуллаев
Флориан Шварц
(Австрия)
Темур Ширинов
Шойра Асадова
(масъул котиб)

Манзилимиз:

100060, Тошкент ш.,
Шахрисабз 5-тор кўчаси.

Журнал Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан рўйхатга олинган.
Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди
00.00.2020.

Босишга рухсат этилди
00.00.2020.

Қоғоз бичими 70x100^{1/16}.
Таймс гарнитура.

Офсет босма. Офсет қоғози.
Ҳисоб-нашриёт т. 5,25.

Шартли босма т. 5,0.
180 нусха.

Буюртма № ____.

Келишилган нархда.

« _____ » _____
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш.,
_____ кўчаси.

Ғ. БОБОЁРОВ

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ АШИНА СУЛОЛАСИНИНГ
ФАРҒОНАДАГИ ТАРМОҒИ ТАРИХИГА ДОИР**

Кириш

Илк ўрта асрларда Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон худудидаги давлатчилик тарихида Турк хоқонлиги (552–744) ўзига хос ўрин тутди. Ўз даврида дунёнинг энг йирик салтанатларидан бири ўлароқ биллинган хоқонликда, айниқса, унинг кунботардаги қаноти бўлмиш Ғарбий Турк хоқонлигида (568–740) кечган сиёсий жараёнлар мамлакатимиз ва унга туташ ўлкалар билан чамбарчас боғлиқдир. Турли тиллардаги ёзма манбалар ва археологик топилмалар ўлкамизда хоқонлик билан боғлиқ муҳим воқеликлар юз берганини кўрсатмоқда. Улардан бири – хоқонликка асос солган Ашина хонадонининг бир неча тармоғи Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ўлкаларда ўз сулолаларини ташкил этишидир. Чоч, Тўхористон ва Фарғона водийсида ўз бошқарувини ўрнатган ушбу сулолалар тарихимизда ўзига хос из қолдирди. Улар орасида айниқса Ашина сулоласининг Фарғона тармоғи бўйича етарлича изланишлар олиб борилмаган.

Хитой йилномалари ва бошқа тиллардаги айрим маълумотлар, шунингдек, эпиграфик ва нумизматик топилмалар Фарғонада келиб чиқиши хоқонликка бориб тақалувчи бошқарув бўлганидан дарак берса-да, бу масала бўйича ҳалигача чуқур изланишлар олиб борилмагани кўзга ташланади. Водий ўтмишига бағишланган тақиқотларнинг кўпчилигида илк ўрта асрларда Фарғонада бир неча катта-кичик бошқарувлар бўлганига, улардан бири Ихшидийлар сулоласи бу ерда етакчилик қилганига урғу берадилар. Фарғонадаги ушбу сулолалар фаолияти: сиёсий тарихи, исм ва унвонлари, этник келиб чиқиши сингари масалалар эса ҳалигача тўлақонли ёритилмасдан қолмоқда. Тўғри, айрим олимлар, шу жумладан, А.Н. Бернштам, О.И. Смирнова, А. Асқаров, А. Анарбоев, Б. Матбобоев, Л.С. Баратова каби археолог тарихчилар ўз изланишларида бу масалага у ё бу даражада тўхталиб ўтишган¹,

¹ Бернштам А.Н. Древняя Фергана (Научно-популярный очерк). Тошкент, 1951. 22–26-бетлар; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. Москва: Наука, 1970; Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент: Университет, 2007. 34–37-бетлар; Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти

бирок бу ердаги Ашина сулоласи бўйича кўпчиликни қониктирадиган бир тўхтамга келинмаган. Кейинги йилларда эса айрим тадқиқотчиларимиз (Ғ. Бобоёров, А. Кубатин, М. Хатамова), шунингдек, чет эллик тадқиқотчилардан америкалик Ж.К. Скэфф, германиялик З. Штарк, франциялик Ф. Грене, Э. де ла Веснерлар Фарғона Ашина сулоласи бўйича ўз қарашини билдирган бўлиб, бу борада айрим тортишувли фикрлар учраса-да, ялпи олганда улар бир-бирини тўлдиради². Биз ўз тадқиқотларимизда VII–VIII асрлар Фарғона тангаларидан бир туркумида турк-рун ва суғдий ёзувда “хоқон” унвони учраши, ҳукмдор тасвирининг туркий кўринишга эгаллиги, Ашина хонадони тамғасининг ўрин олиши, шунингдек, ёзма маълумотларга таяниб, бу ерда Ғарбий Турк хоқонлигининг бир тармоғи ўз бошқарувига асос солганини олға сурганмиз³. Ж.К. Скэфф ва З. Штарклар эса кўпроқ хитой йилномаларидан келиб чиқиб, шунга яқинроқ фикр билдириб ўтишган.

Ёзма манбаларда Фарғона Ашина сулоласи

Исломдан олдинги Фарғона ҳукмдорлигини бошқарган сулоалар, улар эга бўлган унвон ва эпитет (сифат)лар бўйича ёзма манбаларда тўлақонли маълумотлар деярли сақланиб қолмаган. Бу борада кўпроқ хитой йилномаларида қуйидагича қисқа маълумотлар учрайди:

“*Фахан* (Фарғона) давлатининг бошқарув маркази Кунлин (Помир)нинг кунботарида 500 ли (чамаси 250 чакирим) узоқликда бўлиб, у қадимда *Кюйсүэ* деб аталар эди. Бошқарувчисининг хонадон исми *Чжаову* (Жамук), оти *Алици*...

(V–VIII асрлар археологик манбаларининг тарихий таҳлили асосида). Тарих фанлари док. дисс. Автореферати. Самарқанд, 2009; Анарбаев А. Ахсикент – столица древней Ферганы. Тошкент, 2013; Баратова Л.С. Некоторые аспекты товарно-денежных отношений Ферганы древности и раннем средневековье // Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги тутган ўрни. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. Тошкент, 2007. 43–50-бетлар.

² Skaff K.J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // The Turks, 2. Ankara, 2002. P. 369–370; Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8, Kamakura 2002. P. 157, 167–170; Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien. Wiesbaden, 2008. S. 221–223; Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Тарих фанлари док. дисс. автореферати. Тошкент, 2012. 7, 11, 42, 45-бетлар; Кубатин А.В. Система титулов в Тюркском каганате: генезис и преемственность. Тошкент: Yangi nashr, 2016. 22, 91, 103–104-бетлар; Хатамова М. Турк хоқонлиги шаҳарлари (VI–VIII асрлар). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2018. 23-б.

³ Babayar G. Fergane bölgesinde bulunan Türk-Runik yazılı Köktürk sikkeleri üzerine // Düünden Bugüne İpek Yolu: Beklentiler ve Gerçekler. İstanbul, 2008, s. 135–146.

Кўшиннинг сони бир неча минг киши. Шимоли-шарқдан *Сулэ* (Кошғар)гача 1000 ли, кунботарда *Судуйшан* (Уструшона)гача 500 ли, шимоли-ғарбда *Ши* (Чоч)гача 500 ли, шимоли-шарқда эса *Тукюе* (Ғарбий Турк хоқонлиги) ўрдаси 2000 ли, кунчиқарда *Гуа-чжоу* (Дун-хуан)гача 3500 ли узоқликдадир. *Дав* даври (605–618 йиллар)да элчи юбориб, ерли маҳсулотлардан совғалар юборган” (“Бей ши”, “Суй шу”)⁴;

“*Нин-юан*, аслида *Баханна* ёки *Бохан* (Фарғона), Вэй сулоласи даврида *Пулуона* деб аталган. Бошқарувчиси *Чжэнчжун-хэ* (Инжу-угуз / Сирдарё) шимолидаги *Сигян* (Ахсикент) шаҳрида туради. Хукмдорлари Вэй ва Жин сулолалари давридан авлоддан-авлодга бошқариб келадилар... *Чжэн-гуан* даври (627–649 йиллар)да *Кан Мохэду* (*Тўн Баҳодур)⁵ хукмдор *Кибини* ўлдирди. *Аишина Шун*и унинг шаҳрини қўлга киритди. Шунини ўлгандан сўнг унинг ўғли *Эбочжи* (марҳум) Кибининг укасига хукмдор унвонини бериб, *Хумин* (Кува?) шаҳрида бошқарувга тайинлади. *Эбочжи Кэсай* (Косон) шаҳрида бошқарувга ўтирди. *Сян-цин* даврининг бошланишида (656) *Эбочжи* элчи юбориб, совғалар тортиқ қилди. (Император) *Гао-цзун* унга кўп илтифот кўрсатди. (Ушбу даврнинг) 3-йили (658 й.)да *Кэсай* шаҳри “Сюшюн вилояти” деб аталди ва унга бош ҳарбий амалдор (хит. *ду-ду*, эски туркча “тутук”) *Аляоцан* ҳоким (*ци-ши*) қилиб тайинланди” (“Син Тан шу”)⁶.

VIII аср бошларида ёзилган Муғ тоғи суғдий хужжатларидан 2 таси – А-14 ва В-17 да *βry'nk MLK'* “Фарғона хукмдори”, *βry'nk twttk* “Фарғона тутуғи” тўғрисида сўз боради⁷. IX–XII асрларга тегишли

⁴ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.–Л.: Изд. АН СССР, 1950. Том II. 274, 285-бетлар; Хўжаев А. Суй шу (“Суй сулоласи тарихи”)дан (“Тан сулоласининг янги тарихи”)дан / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. Тошкент: Фан, 2014. 24-б.

⁵ *Кан Мохэду* – А.Г. Малявкин “Кан” иероглифи (𐰽𐰺𐰍) аслида “Дунь” (𐰽𐰺𐰍) ёзилиши керак бўлиб, туркийчаси “Тон” (Тўн) бўлган, яъни “Тўн Баҳодур” эди, деб ёзди (Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Новосибирск, 1989. 166–167, 188-бетлар). “Тўн” сўзи эски туркчада “илк”, “тўнғич”, “бош” маъноларини билдирган ва хоқонликнинг унвонлар тизимида юқори эпитет (сифат)лардан бири бўлган. Кўпчилик тадқиқотчилар Кан Мохэду исмини шу кўринишда келтирсалар-да, А. Хўжаев уни “Чуаймо-Хэдуо” ўлароқ келтиради (*Қаранг*. Хўжаев А. Шин Тангшу (“Тан сулоласининг янги тарихи”)дан / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. Тошкент: Фан, 2014. 27-б.).

⁶ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... II. 319-б.; Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах... 188–189-бетлар; Хўжаев А. Шин Тангшу ... 27–28-бетлар.

⁷ Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent... 167–168-бетлар.

араб-форс манбаларидан эса “ихшид” Фарғонанинг бош сулоласи унвони бўлгани англашилади. X асрда яшаган Абу Абдуллох Муҳаммад ал-Хоразмий ўз асари “Мафотих ал-улум” (“Илмлар калити”)да куйидагича ёзади: “Ихшид – Фарғона ҳукмдорларининг исми, иерархия бўйича ундан кейингилари *الصوارتيكين* (Свор-Тегин / Чўр-Тегин)⁸ деб аталади”⁹. Ибн Ҳалликон “Вафоёт ал-аъён ва анбау ал-замон” асарида IX аср илк ярмида Самара (Бағдод)да ҳарбий бошликлардан бўлиб, келиб чиқиши Фарғона Ихшидийларидан бўлган Чуфф (Чук) ибн Йал-Тегин тўғрисида *aşluhi min awlād mulūk Fargāna* “асли Фарғона ҳукмдорлари авлодидан” деб ёзади¹⁰. Шунингдек, хитой ва араб-форс манбаларидан “чўр” унвони Фарғона бошқарувчиларидан бир нечасининг унвони бўлгани англашилади¹¹.

Чоч ва Суғд ҳукмдорликларидан фарқли ўлароқ Фарғона тангаларида “хоқон”дан бошқа унвон учрамайди. Айниқса, “ихшид” ёки унга тенглаштира бўладиган бирор унвонга Фарғона тангаларида дуч келмаймиз. Қисқаси, хитой, суғдий, араб-форс тилидаги ёзма манбалардан келиб чиқилса, илк ўрта асрларда Фарғонанинг ўз маҳаллий бошқаруви бўлиб, ҳукмдорларнинг бошқарув маркази – пойтахти, “ихшид”, “тегин”, “чўр”, “тутук”, “тархон” каби ўзига хос унвонлари бўлган. Келтирилган 5 та унвондан 4 таси туркий, 1 таси эроний негизли эди (“ихшид”). Ихшид унвони Фарғонадан ташқари Самарқандда ҳам қўлланилган бўлиб, шундан келиб чиқиб тадқиқотчилар илк ўрта асрлар учун кўпроқ “Фарғона Ихшидийлари сулоласи”, “Самарқанд Ихшидийлар сулоласи” ибораларини ишлатадилар.

⁸ *Свор-Тегин* – ушбу исм (тўғрироғи, унвон)нинг биринчи бўлаги “Свор” эски туркча “чўр” унвони билан боғлиқ бўлиб, араб ёзувида “ч” ундоши бўлмаганидан араб муаррихлари бу сўзни “шур”, “жур”, “сул”, “жвор” кўринишларида ёзишган (*ҳаранг*. Лившиц В.А. Правители Панча (Согдийцы и тюрки) // Народы Азии и Африки. Москва, 1979. № 4. 66–67-бетлар; История ат Табари. Избранные отрывки (Пер. с арабского В.И. Беляева. Дополнения к пер. О.Г. Большакова и А.Б. Халидова). Тошкент: Фан, 1987. 185-б.; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда... С. 256 ва б.). Бу қарашимизни ушбу унвоннинг арабча *س* (син) билан эмас, *ص* (сод) ҳарфи берилиши ҳам кучайтиради. Араблар бошқа тиллардаги “ч” ундошини кўпинча “сод” билан ёзишган.

⁹ Bosworth C.E., Clauson G. Al-Xwārazmī on the Peoples of Central Asia // JRAS, 1965. No. 1/2. P. 6–7; Баходиров Р. История Востока в «Ключах наук» // Шарқшунослик. Тошкент, 2009. № 14. 114-бет.

¹⁰ Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien... S. 223.

¹¹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... II. 319-б.; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда... 256-б.

Фарғонанинг ерли сулоласи (эхтимол, Ихшидийлар) V–VI асрларда Эфталитлар давлатига (520–665) бирмунча карам, бироқ ўз ички бошқарувида эркин бўлган. VI аср 60- йилларида Фарғона Турк хоқонлиги қўл остига ўтгач эса VII аср илк чорагигача улар хоқонликка бўйсунувчи бош сулола ўларок ўз бошқарувини давом эттиради. Бироқ “Тан шу” йилномасидаги “*Чжэн-гуан даври (627–649 йиллар) да Кан Мохэду (*Тўн Баҳодур) ҳукмдор Кибини ўлдирди, Ашина Шунининг шахрини қўлга киритди ... унинг ўғли Эбочжи (марҳум) Кибининг укасига ҳукмдор унвонини бериб, Хумин (Қува?) шахрида бошқарувга тайинлади, Эбочжи Кэсай (Косон) шахрида бошқарувга ўттирди. Сянцин даврининг бошланғичида (656) Эбочжи элчи юбориб, совгалар тортиқ қилди*” деган маълумот водий бошқарувида ўзгариш бўлгани, ерли сулола ўрнини келиб чиқиши Ашина сулоласига тақалувчи шахс қўлга киритганини кўрсатади. Бу ўзгариш “Тан шу”да “Чжен-гуань даврида (627–649)” бўлиб ўтгани айтилса-да, айрим маълумотларга таянганда, бу алмашинув 630- йилларда юз берган. Йилномаларда бу йилларда Ғарбий турк хоқони Тун Ябғу-хоқонни (618–630) ўлдириб, хоқонлик тахтини эгаллаган амакиси Мохэду (*Баҳодур; 628/630–631) тўғрисида сўз юритилиб, орадан кўп ўтмай унинг қариндоши Нишу (*Низук) томонидан ўлдирилганига урғу берилади¹². Қисқагина ҳукм сурганига қарамай у бошқарувда бир катор ўзгаришлар қилишга улгуради. Шунинг учун, гарчи хоқонлик тепасида “Баҳодур хоқон” унвонли бир неча ҳукмдор ўтганига қарамай, Фарғонада сулола алмашинуви айнан унинг бошқарув йилларида юз берган, дейиш ўринлироқ. “Чжен-гуань даври – 627–649 йиллар”да Ғарбий хоқонликда ундан бошқа Баҳодур исмли хоқон бўлгани аниқ эмас.

*Кан Мохэду (*Тўн Баҳодур) Фарғонада Кибини ўлдиргач, водийдаги бошқарув Ашина Шунини қўлга ўтади. Айрим тадқиқотчилар исмидан келиб чиқиб, унинг Ғарбий Турк хоқонлиги – Ашина хонадонидан эканини, яъни шахзода бўлганини олға сурадилар*¹³. Буни унинг Фарғонани эгаллаши айнан Тўн Баҳодур хоқон фаолияти билан боғлиқлиги ҳам кўрсатиб турибди. Демак, Ғарбий хоқонликнинг олий бошқарувчисига айланган ушбу хоқон теваарак ўлкалар бошқарувида ўзгаришлар қилар экан уларга яқин қариндошлари – ўз ишончли кишиларини ноиб ўларок юборган.

¹² Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... II. 319-б.

¹³ Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. СПб., 1903. P. 148.

Йилномада келтирилганидек, Эбочжи бошқарувни кўлга олгач, ўзи *Гйесай* (Косон) шаҳрида ўрнашиб, ерли сулола вакили Аляоцанни *Хумин* (Куба?)да бошқарувга тайинлагач, 656 йилда Хитойга совға-саломлар билан элчи юборган¹⁴. Эбочжи Фарғона бошқарувчиси сифатида Хитойга элчи юборгани бу ерда хоқонлик билан тўғридан-тўғри боғлиқ бошқарув ўрнатилганини кўрсатади. Эски сулола вакили Аляоцан эмас, айнан Эбочжи томонидан Фарғона хукмдори сифатида улкан бир салтанатга элчи юборилиши ҳам бежиз бўлмаган. Ушбу элчиликнинг 650- йиллар ўртасида жўнатилиши минтақада юз берган сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ эди. 656 йилда Хитойдаги Тан сулоласи қўшини Ғарбий Турк хоқонлигини бўйсундириш учун Ашина Хэлу хоқон (*Улуғ/*Ару хоқон; 651–657) изидан Еттисувга, сўнгра Чочга келган, бу ерда уни ушлаб, пойтахт Чанъанга олиб кетган эди¹⁵. Бироз сўнгра 658 йилда хитойликлар томонидан Чочда, Фарғонага яқин ерда – *Гангэ / Дунцзе* (Тункат)да “Даван” деб аталувчи губерния ташкил этилган ва бошқарувига *Кан тудун* (*Тўн тудун) исмли туркий ноиб қўйилган эди¹⁶. Фарғонада эса Ашина хонадони вакили *Эбожи* ўтирадиган *Кесай* (Косон) шу йили хитойликлар томонидан “Сю-шюн” вилояти деб ўзгартирилиб, бу ернинг назоратига Аляоцан тайинланади. Қизиғи шундаки, хитойликлар ҳар иккала хукмдорлик – Чоч ва Фарғонада янги жорий қилинган губерния ва бошқарувларда Ашина сулоласининг эмас, *Кан тудун* (*Тўн тудун) ва Аляоцан каби бошқа сулолаларнинг вакиллариини ўз ноиблари ўлароқ тайинлайди. Бу шунчаки тасодиф бўлмай, гарчи Тан империяси Ғарбий Турк хоқонлигини ўзига бўйсундирган бўлса-да, Ашина хонадонига ишончсизлик билан қарагани билан боғлиқ эди. Демак, Ашина хонадонининг бирор тармоклари бўлмиш Чоч Тегинлари (605–750) ва Фарғона Ашина сулоласининг бошқарувдаги ўрни бир муддат кучсизлашган кўринади.

Фарғонада Ашина сулоласи бўлгани факатгина хитой йилномаларидан эмас, балки араб-форс манбаларидаги айрим далилларда ҳам ўз тасдиғига эга. Келиб чиқиши фарғоналик бўлган Миср Ихшидийлари сулоласи (935–969) бошқарувчиларининг исми араб манбаларида учраб, улардан кўпчилиги туркий негизлидир. Ибн Ҳалликоннинг “Вафоёт ал-аён ва анбау ал-замон” асарида улардан бирининг тўлик

¹⁴ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... II. 319-б.

¹⁵ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... I. 289-б.

¹⁶ Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах... 83, 166, 188-б.

шажараси берилган: *Туғуч ибн Чук ибн Йел-тегин Ахшид ибн Фурон (Бўрон) ибн Фури (Бўри) ибн Хогон (Хоқон) ал-Фарғоний*¹⁷. Айрим тадқиқотчилар ушбу шажарада *эл-тегин*, *хоқон* каби унвон, Туғуч, Чук, Бўрон, Бўри сингари туркий исмлар учрашига ва араб тарихчилари ҳам Миср Ихшидийларини туркий деб кўрсатганига таяниб¹⁸, ушбу сулолани туркийлар билан, шу жумладан, Турк хоқонлиги билан боғлайдилар. Араб истилосидан олдин Марказий Осиёда “тегин” Ашина хонадонидан бўлган шахзодалар унвони бўлганидек, “хоқон” унвонини ҳам ушбу хонадон вакиллари қўллашга ҳақли эдилар. Демак, Фарғона араблар томонидан босиб оlinиб, ерли сулола вакиллари Мисрга олиб кетилган бўлса-да, ўз келиб чиқиши хотираси ўларок айрим туркий унвонларни қўллашда давом этган ёки уларни ўз фарзандларига исм сифатида берган бўлиб чиқади.

Араб-форс ва суғдий тилли манбаларда исломдан олдин Фарғонани бошқарган ҳукмдорлар унвони сифатида учрайдиган “ихшид”, “тегин”, “тутук”, “чўр” унвонларининг кўпчилиги туркий негизли бўлиб, Турк хоқонлиги билан боғлиқ эди. Улар орасида “тегин” фақатгина Ашина хонадонидан бўлган шахзодалар учун қўлланилган унвон эди. Бирор манба ёки тадқиқотда тўғридан-тўғри айтиб ўтилмаса-да, айрим далилларга таяниб, водийда ўз бошқарувини ўрнатган Ашина Шуни ва унинг издошлари бу унвонга эга бўлишган, дея оламиз. Бунга Мухаммад ал-Хоразмий томонидан “ихшид” Фарғона ҳукмдорининг, *Свор-Тегин (Чўр-Тегин)* эса ундан кейин турувчиларнинг унвони ўларок тилга оlinиши¹⁹, араб манбаларида Аббосийларнинг Самарадаги туркий кўмондонларидан бири, насли Фарғона ҳукмдорларига тақалувчи *Йал-Тегин* (Эл-тегин; IX аср биринчи ярми), IX асрда Бағдодда яшаган, Фарғона ҳукмдорлари авлодидан *Хоқон* (ваф. 848) ва унинг ўғилларидан бири – *Тегин ибн Хоқон*²⁰, шунингдек, асли фарғоналик Миср

¹⁷ Togan Z.V. Umumi Türk Tarihine Giriş. 3. Baskı. Istanbul, 1981. S. 178–179; Камолиддин III. Саманиды. Из истории государственности Узбекистана / LAP LAMBERT Academic Publishing. Saarbrücken, 2012. 21-б.

¹⁸ Bosworth C.E. The Turks in the early Islam Lands up to the Mid.-11th Century // The Turks in the early Islam world / edited by C.E. Bosworth. Ashgate Variorum, 2006. P. 11; Bosworth C.E., Clauson G. Al-Xwārazmī on the Peoples of Central Asia... P. 6–7.

¹⁹ Bosworth C.E., Clauson G. Al-Xwārazmī on the Peoples of Central Asia... P. 6–7; Баходиров Р. История Востока в «Ключах наук» // Шарқшунослик. Тошкент, 2009. № 14. 108–117-бетлар.

²⁰ Камолиддин III. Саманиды. Из истории государственности Узбекистана... 21-б.

Ихшидийлари шажарасида “эл-тегин” унвонининг учраши²¹ туртки бўлди. Қизиғи шундаки, Фарғона Ашина сулоласи каби келиб чиқиши Ғарбий хоқонликка тақалувчи Чоч Тегинларининг (605–750) ҳам бош унвони “тегин” бўлиб, бу хитой йилномалари ва Чоч тангалари оркали ўз тасдиғига эга²².

Фарғона хукмдорлари шажарасида киши исми ўларок “хоқон” унвони учраши кизик. Ҳар ҳолда Фарғонадаги Ашина сулоласи вакиллари бу унвонга эга бўлмасалар-да, ўзларининг келиб чиқиши турк хоқонларига тақалиши хотирасига ўз фарзандларини шу ном билан аташган кўринади. Юқорида эслаб ўтилган фарғоналик Хоқон исмли кишининг ўғил ва набиралари: ал-Фатҳ ибн Хоқон (ваф. 862), Яхё ибн Хоқон (ваф. 854), Бағлавур ибн Хоқон, Тегин ибн Хоқон Абу-л-‘Аббос Аҳмад ибн Хоқон ал-Фарғонийлар Аббосийлар саройида юксак лавозимларни эгаллаган эдилар²³. Демак, Ибн Ҳалликон келтирган шажара бошида Хоғон (Хоқон) исми туриши ҳам Фарғонада Ашина сулоласи хоқонларга тақалишини кўрсатади.

Хитой йилномалари, суғдий хужжатлар ва араб-форс тилидаги тарихий асарлардан келтирилган ушбу маълумотлардан кўринадики, исломдан олдин Фарғона водийсида бир неча сулола бўлиб, улар орасида 2 та сулола – Фарғона Ихшидийлари ва Ашина сулоласи етакчилик қилган. Бирок шу ўринда бир чигал масала – юқорида келтирилган шажарада “Йел-тегин Ахшид” учраши “Фарғонанинг Ашина сулоласи бошқарувчилари “ихшид” унвонини қўллаган бўлиб, Фарғона Ихшидийлари шуларнинг ўзи эмасмикан?” деган саволни қўндаланг қўяди. Бу унвон Фарғонанинг эски ерли сулоласига тегишли экани, Ашина хонадонининг Фарғона тармоғи бошқарувчилари эса “тегин” (эхтимол, “чўр”, “тархон”) унвонларига эга бўлгани буни чигаллаштиради. Шунингдек, Муҳаммад ал-Хоразмий “Ихшид” ва “Свор-Тегин”-ни Фарғонанинг айри-айри бошқарувчилари унвони ўларок келтиради. Бу масала келажакда чуқур изланишлар оркали ўз ечимини топишига урғу берган ҳолда, Ашина сулоласи бошқарувчилари “ихшид” унвонини қабул қилган бўлишлари эхтимолдан йироқ эмаслигини айтиб ўтамиз. Чамаси, она юртларидан узоқда бўлган Миср Ихшидийлари “ихшид” ёки “Ихшидий”лар иборасига қадим Фарғона хукмдорларининг

²¹ Togan Z.V. Umumî Türk Tarihine Giriş... S. 178–179; Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel... S. 223.

²² Бабаёров Г., Кубатин А. К монетам Чачских правителей тегинов // O‘zbekiston Moddiy Madaniyati Tarixi. Самарканд, 2006. № 35. 194–198-бетлар.

²³ Камолитдин Ш. Саманиды. Из истории государственности Узбекистана... 23-б.

сулолавий номи хотираси сифатида караб, уни рамзий ўларок қўлланишда давом этишган кўринади.

Қисқаси, ёзма ва нумизматик материаллар VII–VIII асрларда Фарғона водийсида бир неча катта-кичик бошқарувлар бўлса-да, улар орасида бош сулола – Ашина хонадони бўлганини кўрсатади. Илк ўрта асрларга тегишли Фарғона тангаларининг қўпчилиги “хоқон” унвонли тангалар экани, шунингдек, 650- йиллар ўртасида Хитойга элчи юборган хукмдорнинг ушбу хонадондан бўлиши буни тасдиқлайди. Шу ўринда Фарғона тангаларининг деярли барча турларида хоқонликка хос тамға ўрин олганини ҳам кўзда тутиш керак бўлади²⁴:  / .

Ашина сулоласига тегишли Фарғона тангалари

Фарғона водийсида танга-пул тизими илк ўрта асрларда, аниқроғи, чамаси VI–VIII асрларда бошланган бўлиб, Чоч, Суғд ва бошқалардан фарқли ўларок Фарғона тангаларининг тури кўп эмас. Уларнинг бир туркумини хукмдор тасвирли, бир туркумини эса ўртаси тўртбурчак тешикли тангалар ташкил этади. Ҳар иккала туркум тангаларда суғдий ёзувда *x'γ'n* “хоқон” унвони ўрин олган бўлиб, тадқиқотчилар уларни “Қадимги турк тангалари туркуми”га киритадилар²⁵. Фарғона тангаларидаги ёзувлар ўқиб чиқилганидан бери қарийб ярим аср ўтган бўлишига қарамай, уларнинг айнан қайси сулола ёки хукмдор томонидан бостирилгани тўғрисида жўяли бир фикр айтилмаган. Тўғри, бундан анча йиллар олдин ҳам М.Е. Массон, О.И. Смирнова, Л.С. Баратова каби нумизматлар ўз изланишларида VI–VIII асрлардаги Чоч, Фарғона, Суғд тангаларига нисбатан «Қадимги турк тангалари» иборасини бот-бот қўллаган бўлсалар-да, бироқ уларнинг айнан қайси туркий сулолага тегишли экани очиқ қолиб келаётганди²⁶. Яқин йилларда юритилган археологик қазинишларда қадимий шаҳар қолдиқларидан бири – Қувада 2 та мис танга топилиши ва уларда эски турк-

²⁴ Babayar G. Fergane bōlgesinde bulun... S. 139; Бабаяров Г. Фергана – как один из центров чекана монет Западно-Тюркского каганата // ИМКУ. Самарканд, 2019. Вып. 40. 126–130-бетлар.

²⁵ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. Москва, Наука, 1981. 58-59-бетлар; Баратова Л.С. К исторической интерпретации титула «каган» на древнетюркских монетах Средней Азии конца VII – первой половины VIII вв. // НЦА. Тошкент, 1998. Вып. III. 41–43-бетлар.

²⁶ Массон М.Е. К вопросу о взаимоотношениях Византии и Средней Азии по данным нумизматики // Труды САГУ. Тошкент, 1951. Вып. 23. 91–104-бетлар; Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет... 5-бет; Баратова Л.С. К исторической интерпретации титула «каган»... 41–43-б.

рун ва суғдий ёзувда “хоқон” унвони, тескари томонида эса  /  кўринишидаги тамға учраши аниқланди (1-расм. 7–8). Бу эса Фарғона тангалари қайси сулолага тегишли эканини аниқлашга ёрдам берибгина қолмай, балки водийдаги бош ҳукмдор сулоланинг этник келиб чиқиши борасида бир тўхтамга келишга имконият яратди.

Кейинги йилларда олиб борган изланишларимизда VI–VIII асрларда Чочда 20 турдан ортиқ тангалар бостирилгани, уларнинг кўпчилиги Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан  ,  ,  кўринишидаги тамға ва “жабғу”, “жабғу-хоқон”, “хоқон” сингари унвонлар, “Турк хоқон”, “Тун жабғу-хоқон”, “Ишбара жабғу-хоқон” каби исм ва унвонлар билан чиқарилган тангалар эканлиги аниқланди. Улар орасида “Турк хоқон” ва “жабғу” унвонли, VI аср сўнгги – VII аср бошларига тегишли турларида  кўринишидаги тамға учраб, Кувадан топилган тангалардаги тамғанинг ўзгинасидир:  -  . Ҳар иккала танга туркумида “хоқон” унвони учраши Чочда ўз тангасини бостирган Ғарбий турк хоқонлари билан Фарғона сулоласи орасида яқин қариндошлик бўлганини кўрсатади. Шунингдек, ушбу тангаларнинг ўнг томонидаги тасвирлар деярли бирдай: узун сочли, соқолсиз, думалоқ юзли ҳукмдор²⁷ (1-расм. 2–3, 7–8). Шунга ўхшаш ташки кўриниш ва тамға бичимлари ( / ) Ашина хонадонининг бир тармоғи бўлмиш Чоч Тегинлари (605–750) тангаларида ҳам кўзга ташланади (1-расм. 5–6)²⁸.

Фарғона тангаларининг Чочдаги Ғарбий хоқонлик тангаларидан фарқи – водий тангалари турк-рун ва суғдий ёзувда, Чочда эса фақатгина суғдий ёзувдадир. Бу ҳам шунчаки тасодиф бўлмай, Чоч ва бошқа ўлкалардан фарқли ўлароқ Фарғонада қадимги турк ёзуви кенг қўлланилгани билан боғлиқдир. Хоқонлик қўл остидаги Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ўнлаб ўлкалар орасида турк-рун ёзувли топилмаларнинг кўпчилиги Фарғона водийсига тўғри келиши ҳам бу ерда хоқонликка туташувчи сулола турган, деган қарашни кучайтиради. Чамаси 650- йиллардан кейин, яъни Ғарбий Турк хоқонлиги Хитойга бўйсунгандан сўнг бостирилган, ўртаси тўртбурчак тешикли, бир томонида суғдий ёзувда “хоқон”, орқа томонида эса *βɪɣ'n* “Фарғона” сўз-

²⁷ Тангалардаги ҳукмдор тасвирлари қадимги туркийларга хос қиёфада (елкагача тушган узун соч, соқолсиз, кенг юмалоқ юз, бироз қисқ қўз) учраши ёзма манбалардаги маълумотларга мос келади (*Қаранг:* Тутушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-Цзана. Москва, 1991. 5–6-бетлар).

²⁸ Бабаяров Г. Тамги на монетах оазисов Средней Азии эпохи раннего средневековья / Тамги доисламской Центральной Азии – *Tamgas of Pre-Islamic Central Asia* / Самарканд: МИЦАИ, 2019. 338, 355–358-бетлар.

лари ўрин олган Фарғона тангаларида тамғалар (𐰤, 𐰨) учраб, улар 𐰪 / 𐰪 кўринишидаги тамғанинг ўзгарган турларидир (1-расм. 9). Бундай ўзгаришлар Ғарбий хоқонлик (Чоч) тангаларида ҳам кузатилади.

“Хоқон” унвони исломдан олдинги Ўтрор ва Самарканд тангаларида ҳам учраб²⁹, улар айрим ўзига хосликларига кўра Фарғона ва Чоч тангаларидан ажралиб туради. Фарғона ва Чочники каби бирдай унвон ўрин олганига карамай, улардаги тамғалар бутунлай бошқача эканлиги кўзга ташланади: 𐰤 – Ўтрор, 𐰪 – Самарканд (1-расм. 10–12, 13–15). Буни Ўтрор ва Самарканд ҳукмдорларининг ўз хўжайинлари – Ғарбий турк хоқонлари номидан танга чиқаргани, Чоч ва Фарғонада эса хоқонлар ёки уларнинг яқинлари ўз номидан танга бостиргани билан боғлаб тушунтирса бўлади. Шунга ўхшаш ҳолат Тўхористон тангаларида ҳам учраб, Ашина хонадонининг яна бир тармоғи – Тўхористон Ябғуларини³⁰ (620–750) бир туркум тангаларида (айримлари “хоқон” унвонли, айримлари унвонсиз) 𐰪 кўринишидаги тамға ўрин олган. Ушбу тамға, айниқса, Чочда бостирилган “Тун жабғу-хоқон”, “Жабғу-хоқон” ва “Ишбара жабғу-хоқон” унвонли хоқонликнинг иккинчи босқичи (Жабғу-хоқонлик: VII аср боши – шу аср 30-йй.) тангаларидаги тамға (𐰪 / 𐰪) билан бир экани кузатилади (1-расм. 4, 16–18). Демак, Турк хоқонлиги даврида “хоқон” унвонли танга чиқариш 2 та омилга боғлиқ бўлган: 1) хоқонликнинг бошқарувчи хонадонига тақалувчи сулолалар бу унвонни ва сулола белгиси (тамға)ни қўйишга ҳақли бўлишган (Чоч, Фарғона, Тўхористон); 2) ўз сулола белгисини қўйиб танга чиқарар экан хоқонликка бўйсунитиш ифодаси ўларок “хоқон” унвонига ўрин беришган (Самарканд, Ўтрор).

Қисқаси, Фарғона тангаларида “хоқон”дан бошқа унвон учрмаслиги бу ерда Ихшидийлар сулоласи эмас, Фарғонанинг бош ҳукмдорлари сифатида Ашина сулоласи ўз тангасини бостирганини кўрсатади.

Хоқонлик даврида Фарғонада кечган сиёсий воқеликлар

560- йилларда хоқонлик каноти остига ўтган Фарғонада орадан 80 йилча вақт ўтгач, 630- йиллари бошқарувда ўзгариш юз беради.

²⁹ Бабаяров Г., Кубатин А. К новой интерпретации доисламских монет Отрара // Ўзбекистон ва Шарқ мамлакатларининг ҳамкорлиги: тарих ва ҳозирги замон. Республика илмий конференцияси тезислари. ЎзР ФАШИ. Тошкент, 2014. Б. 98–100; Бобоёров Ф. “Турон ҳукмдори хоқон” унвонли Самарканд тангалари (илк ўрта асрлар) // O‘zbekiston tarixi. 2018. № 4, 2018. 3–15-бетлар.

³⁰ Джуманиязова Ф. Илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийсида туркий сулолалар.: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2018. 15–17-бетлар.

Шундан кейин яна 100 йил ўтганда ҳам бу ерда Ашина хонадони бошқаруви сақланиб қолади. “Тан шу” йилномасида 639 йилда Ғарбий турклардан *Шоболо Хэлиши* (*Ишбара Алп-шад) *Дулу* хоқондан енгилгач *Боханна* (Фарғона)га қочиб, шу ерда ўлгани эслатилади³¹.

726 йилда Шимолий Ҳиндистон, Кобул ва Тўхористонда бўлган хитой сайёҳи Хой Чао (726) Фарғонада 2 та ҳокимият борлиги, бири Сирдарёнинг шимолида *Тукюе* (турк)лар бошқаруви, жанубида эса *Даши* (араб)ларга бўйсунувчи бошқарув борлигини эслатиб ўтади³². Ундан бир неча йил олдин, 715 йилда Қутайба ибн Муслим бошчилигида араб қўшинлари Фарғонага юриш қилган, бу ернинг бошқарувчиси урушда енгилгач, Куча (Шарқий Туркистон)га қочиб, ёрдам сўраган, араблар эса Фарғона бошқарувига *الطار* (Алутар, хитой йилномаларида *Аляода*) исмли бирини ноиб тайинлаб қайтган эдилар³³. Демак, Хой Чао келган 726 йилда Сирдарёнинг шимолида турклар ўз ўрнида қолган, жанубида арабларга қарам бошқарув ўрнатилган эди.

“Тан шу” йилномасида Фарғонани 738–751 йиллар давомида *Асунлань дагань-чжу* (*Арслон тархон-чўр) бошқаргани айтиб ўтилади³⁴. У 739 йилда Талас водийсига юриш қилиб, бу ерда Ғарбий Турк хоқонлиги ўрнини эгаллаган турғаш хоқони *Тухосян Гучжо* (*Қут-чўр)ни тор-мор қилади³⁵. О.И. Смирнова 720- йилларда Фарғонани бошқарган Алту-чўрни туркий деб қараб, у ва унинг ўғли исмида туркий *чўр* (*چور*) унвони учраши, бу эса уларни туркий бўлган, дейишга имкон беришини ёзади³⁶. Ундан олдинги ва кейинги бир неча Фарғона ҳукмдорлари исмида хоқонликка хос *чўр* унвони учраши ўз-ўзидан бўлмаса керак. Табарий ўзининг “Тарих ар-русул ва-мулук” асарида қароргоҳи Исфарада жойлашган тахт вориси Балаза ҳақида ёзиб, у кейинчалик Фарғона ҳукмдори бўлган Журнинг отаси эканига урғу беради³⁷. Араб манбаларида Аббосийлар қўшинида хизмат қилган туркий қўмондонлардан Билга-чўр ал-Фарғоний (860-йй.) ва Мангу-чўр ал-Фарғоний

³¹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... I. С. 287; Taşağıl A. Gök-Türkler. II. Ankara, 1999. S. 66.

³² Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ. М., 1952. № 1. 193-б.

³³ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда... 255-б.

³⁴ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... II. 319-б; Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue ... P. 149.

³⁵ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... II. 319-б.

³⁶ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда... 256-б.

³⁷ История ат-Табари... 185-б.

тилга олинади³⁸. Аббосийлар қўшинига келиб чиқиши аслзодалардан, яъни собиқ бошқарувчи хонадонлардан бўлган туркий ёшларни тортиш кенг ёйилган эди.

Фарғонада “чўр” унвони кенг тарқалиши Турк хоқонлиги билан боғлиқ кечган кўринади. 716 йилда Турк хоқонлиги бошқарувини эгаллаган Қапған хоқон (692–716) *Бек-чўр* / *Бугу-чўр* (хит. Мо-чжо) унвонига эга эди³⁹.

Ўзини Ғарбий турк хоқони деб эълон қилиб, Хитойнинг Шарқий Туркистондаги Ань-си харбий волийлигига ҳужум уюштира бошлаган *Ашина Тучжун*⁴⁰ (671–679) уни қўллаб-қувватлаган Тибет билан иттифок тузади⁴¹. Бироқ хоқонлик ва Тибетнинг бирлашган қўшинлари 694 йилда хитой қўшинларидан енгилади⁴². Шундан сўнг унинг кейинги фаолияти Фарғонада давом этади. 690-йиллар сўнггида хитой қўшини бошлиғи *Қуо Киен-куан* Фарғонага ҳужум уюштириш тўғрисида буйруқ олиб, бу ерни талон-тарож қила бошлагач, фарғоналиклар Туйцзини бошлиқ сифатида танлаб, унинг йўлбошчилигида хитойликларга қарши курашади⁴³. У фарғоналиклар⁴⁴ ва Тибетнинг ёрдами билан

³⁸ Sümer F. Türk Devletleri Tarihinde Şahis Adları. I. İstanbul, 1999. C. II. S. 483, 492.

³⁹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... I. С. 295–296; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri. Çeviri M. Koç. İstanbul: Selenge, 2007. S. 115.

⁴⁰ Ушбу хоқон исмини Н.Я. Бичурин Суйцзы шаклида берган (Бичурин Н.Я. Собрание сведений... I. 295-б).

⁴¹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... I. 294-б.

⁴² Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... I. 295-б; Малявкин А.Г. История Восточного Туркестана в VII–X вв. // Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Очерки истории. Под. ред. С.Л. Тихвинского и др. Москва: Наука, 1988. 321-б.

⁴³ Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri... S. 246–247.

⁴⁴ Тибет манбаларида туркийлар биланбоғлиқ *Другу йул* (луғ. “Турклар ўлкаси”) топоними ишлатилиб, тадқиқотчилар бу атама остида бутун Ғарбий Турк хоқонлиги ҳудуди, баъзан Тўхористон ва Гандхарани, яъни Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонни ҳам ўз ичига олган ҳудуд тушунилан, деб тушунтирадилар (Uray G. The Old Tibetan sources of the Central Asia up to 751 A. D.: a Survey // Prolegomena to the History of Pre-Islamic Central Asia. Ed. by J. Harmatta. Budapest, 1979. P. 281). Л. Петеч 700 йилги воқеалар муносабати билан тилга олинган *Другу йул* атамаси остида эса айнан Фарғона назарда тутилган, деган тўхтамга келади. Унга кўра, Фарғонада туриб, хитойликларга қарши курашга бошчилиқ қилган Ашина Туйцзи тибет манбаларида *Топ уа-bgo khagan* (Тўн ябғу-хоқон) деб тилга олинган киши билан бир бўлиб, у 694–700 йилларда Тибет ҳукмдорига ўз эхтиромини билдириб турган, 700 йилда у *Другу йул*га юборилган. Ашина Туйцзи – II. Тун ябғу-хоқон 700 йилдан бошлаб Фарғонада қисқа муддат бошқарувда бўлган (Uray G. The Old Tibetan sources... P. 281).

Шаркий Туркистон ва Еттисувдаги Хитойга қарашли “Тўрт гарнизон”-ни қўлга киритишга тиришади.

Турк хоқонлигининг Чоч, Фарғона, Суғд, Тўхористон билан биргаликда араб босқинига қарши курашида ҳам фарғоналиклар фаол қатнашадилар. В-17 сонли Муғ тоғи суғдий хужжатида Суғдда бўлиб турган хwn “турк” қўмондони (ёки қароргоҳи) ва унинг ёнидаги “Фарғона хукмдори” тўғрисида сўз боради⁴⁵. Араб манбаларида ҳам бу иттифоқ эслатилиб, у айрим узилишлар билан 740- йилларгача чўзилади. Уларда Тўхористон, Бухоро, Суғд (Самарқанд, Панжикент), Чоч, Фарғона хукмдорлари бошини бириктирган киши ўларок “хоқон”, “турк хоқони” ёки “туркаш хоқони” тургани эслатиб ўтилади⁴⁶.

Турк хоқонлигининг сўнгги йиллари – 740- йилларда ҳам Фарғона ва хоқонлик орасида ўзаро бирдамлик сақланиб қолади. Хитой манбаларидан бири “Цуан Тан-вен”да 741 йилда *Тукюе* (турк) хоқони *Бигя Қутулу* (*Билга Қутлуғ)нинг Хитой императорига янги йил кутлови юбориб, бундан буён у ва *Боханна* (Фарғона) хукмдори биргаликда императорнинг душманларига қарши ёрдам беришини ёзгани тилга олинади⁴⁷.

Бундан кўринадики, Фарғона VIII аср илк ярмида арабларга қарам бўлиб қолса-да, Сирдарёнинг ўнг қирғоғида ўз бошқарувини сақлаб қолган туркий сулола 740- йилларда анчагина кучайиб, Еттисув ва Шаркий Туркистондаги сиёсатга ҳам аралашади. Айниқса, Фарғона бошқарувчиларининг анча узоқ Ўрхун водийси (Мўғулистон)даги турк хоқонлари билан бирдамлиги хоқонликнинг сўнгги йилларигача сақланиб қолгани диққатни ўзига жалб қилади. Ўша йилларда Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудлардаги ўнлаб хукмдорликлар аллақачон ўз бошқарувини қўлдан бой бериб, арабларга бўйсунган, улардан айримлари сулола сифатида тугаб кетган эди. Бу ҳам Фарғонада Ашина хонадонининг бир тармоғи бошқарув жиловини тутиб тургани билан боғлиқ бўлса керак.

Демак, Фарғонада 630- йиллар – VIII аср иккинчи ярмида хукм сурган Ғарбий Турк хоқонлигининг бир тармоғи бўлмиш Ашина суло-

⁴⁵ Согдийские документы с горы Муг ... II. 80–84-бетлар; Исҳоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Суғд тилидаги манбалар / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. Тошкент: Фан, 2014. 82-б.

⁴⁶ Согдийские документы с горы Муг... II. 80–84-бетлар.

⁴⁷ Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri. Çeviri E. Kayaoglu, D. Banoğlu. İstanbul, 2006. S. 318, 542.

ласи ўз даврида Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ўлкалардаги катта-кичик воҳа ҳукмдорликлар орасида ўз ўрнига эга бўлиб, ҳам қўшни ҳукмдорликлар – Чоч, Суғд, ҳам йирик салтанатлари бўлган Турк хоконлиғи ва Хитой билан тигиз сиёсий ва дипломатик алоқалар олиб борди. Фарғонада бу сулоланинг бошқарув тепасига келиши водийда туркий аҳоли катламининг янада кучайишига, иш юритиш ва ёзишмаларда қадимги турк-рун ва суғдий ёзувларни қўллаш каби хоконликка хос анъананинг ёйилишига, танга-пул бостиришнинг йўлга қўйилишига ва туркий давлатчилик тизимининг чуқурроқ илдиз отишига шароит яратди.

Ғ. БОБОЁРОВ

ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ АШИНА СУЛОЛАСИНИНГ ФАРҒОНАДАГИ ТАРМОҒИ ТАРИХИГА ДОИР

Мақолада илк ўрта асрларда Фарғона водийсида бостирилган танга-пулларнинг сезиларли бир бўлаги Ғарбий Турк хоконлиғи (568–740) билан тўғридан-тўғри ёки билвосита боғлиқ бўлганлиги таҳлил қилинган. Нумизматик материаллар ва ёзма манба маълумотлари асосида VII–VIII асрларда Фарғона водийсини Турк хоконлиғига (552–744) тегишли Ашина хонадони бошқарганлиги кўрсатилган.

Қалит сўзлар: илк ўрта асрлар, Фарғона, Турк хоконлиғи, Ашина сулоласи, тангалар, ёзма манбалар.

Г. БАБАЯРОВ

К ИСТОРИИ ФЕРГАНСКОЙ ВЕТВИ ДИНАСТИИ АШИНА ЗАПАДНО-ТЮРКСКОГО КАГАНАТА

В статье изучена значительная часть монет, выпущенная в Ферганской долине в раннем средневековье, которая прямо или косвенно была связана с Западно-Тюркским каганатом (568–740). На основе нумизматических материалов и письменных источников показано, что в VII–VIII вв. в Ферганской долине доминировала династия Ашина, которая связана с Тюркским каганатом (552–744).

Ключевые слова: раннее средневековье, Фергана, Тюркский каганат, династия Ашина, монеты, письменные источники.

G. BABAYAROV

**ON THE HISTORY OF THE FERGHANA BRANCH
OF THE ASHINA DYNASTY OF THE WESTERN
TURKIC QAGHANATE**

The article represents the investigated considerable part of coins minted in Ferghana valley in the Early Middle Ages, for some extent were directly or indirectly connected to the Western Turkic Qaghanate (568–740). These numismatic materials and written sources show that in 7–8 cc. AD in Ferghana valley dominated the dynasty of Ashina belonged to the Turkic Qaghanate (552–744).

Key words: Early Middle Ages, Ferghana, Turkic Qaghanate, Ashina dynasty, coins, writing sources.



1-расм. Ғарбий Турк хоқонлиги билан боғлиқ “жабғу” (1), “хоқон” (Чоч: 2–4; Фарғона: 7–9; Самарқанд: 10–12; Ўтрор: 13–15; Тўхористон: 17) ва “тегин” унвонли (5–6) тангалар